

3.3.3. Иштирокчи томонидан Тизимда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган ҳисобварақда Тизим билан ишлашдаги ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун етарли ҳажмдаги пул маблағлари қолдиқларини бўлишини таъминлаш.

3.3.4. Тизим Қоидаларига киритиладиган ўзгаришлар билан танишиб чиқиш ва уларни доимий равишда кузатиб бориш.

3.4. Иштирокчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1 **CONTACT** Хизматларини Тизим Қоидаларига мувофиқ кўрсатиш/олиш.

3.4.1. Тўхтатиш санасидан 10 (ўн) иш куни аввал келишилган алоқа канали бўйича Тизим Қоидаларига мувофиқ Тизим Операторига тегишли билдиришнома юборган ҳолда **CONTACT** Хизматларни кўрсатиш ва олишини (қисман ёки тўлиқ) вақтинчалик тўхтатиш.

4. ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ.

4.1. Ҳимояланган электрон ҳужжатларни ташкиллаштириш тартиби ва шартлари Тизим қоидалари томонидан белгиланади.

5. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

5.1. Ҳисоб-китоблар тартиби Тизим Қоидалари билан тартибга солинади.

5.2. Тизим Оператори ёки кредит ташкилоти – Тизим Оператори томонидан кўшича равишда жалб қилинган Тизим ҳисоб-китоб Марказида ҳисоб-китоблар учун банк ҳисобварақларини очиш шarti билан Иштирокчи Тўғридан-тўғри Иштирокчи мақомини олади. Жалб этилган Ҳисоб-китоб марказлари тўғрисидаги маълумотлар Тизимнинг куйидаги манзилдаги расмий сайтида чоп қилинади: www.contact-sys.com.

5.3. Тўғридан-тўғри Иштирокчида ҳисоб-китоблар учун банк ҳисобварақларини очиш шarti билан Иштирокчи Билвосита Иштирокчи мақомини олади.

5.4. Иштирокчининг ҳисоб-китобларни, жумладан Тизим Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган реквизитлари мазкур Шартноманинг **ТОМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ, КЕЛИШИЛГАН АЛОҚА КАНАЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ** номли 11-бўлимида кўрсатилган.

6. МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР ТУТИЛИШИ.

6.1. Томонлар Тизим билан ишлаш жараёнида олинadиган маълумотларни, жумладан шахсий маълумотларни сир тутишга ва бошқалар томонидан маълумотлардан фойдаланилишига фақат маълумот эгасининг розилиги билан рухсат бериш мажбуриятига эгадирлар, маълумотларни тақдим этиш Иштирокчи жойлашган мамлакат қонунлари талабларига ёки Тизим Қоидаларида баён қилинган шартларга мувофиқ амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. Иштирокчилар Тизим Оператори томонидан Тизимнинг ишлаши учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва сақлаш бўйича амалга ошириладиган фаолият маълумотларнинг сир тутилиши шартларини бузмаслигига ўз розиликларини билдирадилар.

6.3. **CONTACT** Тизимида қатнашиш тўғрисидаги ушбу Шартнома бекор қилинган ҳолларда Томонлар ўзлари томонидан унинг амал қилиш муддати давомида олинган маълумотларнинг сир тутилиши тўғрисидаги талабларга у бекор қилинган (амал қилиш муддати тугаган, ҳақиқий эмас деб тан олинган) санадан бошлаб беш йил давомида амал қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

7. ТОМОНЛАРНИНГ МУКОФОТЛАРИ.

7.1. **CONTACT** Хизматларини кўрсатганлик/олганлик учун Иштирокчи Тизим Қоидалари ва Тизим Тарифларига мувофиқ мукофотлар олади ва/ёки тўланишини амалга оширади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ.

8.1. Ҳар бир томон қўлланилган қонунчилик, жумладан валюта қонунчилиги, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига амал қилиниши бўйича мустақил тарзда жавоб берадилар.

8.2. Томонлар банк сирини кафолатлашга мажбурдирлар.

8.3. Агар бажарилмаслик енгиб бўлмас кучлар ҳолатининг оқибати ҳамда Томонлар учун мажбурий бўлган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг чиқарилиши оқибатида юзага келган бўлса, Томонлар бирор-бир мажбуриятнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8.4. Томонларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини бажармаганлик ва қонунчилик талабларига амал қилмаганлик учун мустақил тарзда жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Мазкур Шартнома ва

Тизим Қоидалари бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бузган Томон муддатида бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,03% ҳажмида бир марталик жарима тўлайди.

8.5. Бир марталик жариманинг тўланиши бузган Томонни Тизим Қоидалари ва мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

9. ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚ ВА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур Шартнома бўйича Томонларнинг Россия Федерацияси қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.2. Мазкур Шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Мазкур Шартнома доирасидаги барча даъволар ушбу даъво юборилган Томон томонидан ёзма эътироз олинган санадан бошлаб 30 (ўттиз) иш куни давомида кўриб чиқилиши керак.

9.3. Мазкур Шартноманинг 9.2-бандида кўзда тутилган тартибда келишувга эришиб бўлмаган ҳолларда Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар Москва шаҳридаги арбитраж судида кўриб чиқилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

10.1. Шартнома у Томонлар томонидан имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлар келишуви бўйича бекор қилинган ёки Томонлардан бири уни бажаришдан бош тортган ёки бошқа сабаблар бўйича мазкур Шартнома бекор қилинган бўлган номаълум муддатга амал қилади.

10.2 Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Шартнома ўзгартирилиши ёки тўлдиррилиши мумкин.

10.3. Мазкур Шартнома Томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан бўлган бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Шартнома мазкур Шартнома бекор қилинадиган санагача барча молиявий ва бошқа мажбуриятларнинг тўлиқ тартибга солиниши шарт билан Томонлар келишуви бўйича ёки Томонларнинг бирининг ташаббуси бўйича бекор қилиниши мумкин. Мазкур Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги нияти тўғрисида манфаатдор Томон бошқа Томонни Шартномани бекор қилиш кўзда тутилган санадан камида 30 (ўттиз) календар куни аввал огоҳлантириши ва молиявий мажбуриятларини тўлиқ бартараф қилиши шарт. Мазкур Шартномани бекор қилиш нияти тўғрисидаги огоҳлантириш манфаатдор Томон томонидан ваколатли шахслар имзоси билан ёзма равишда бошқа Томонга мазкур Шартноманинг 11-бўлимида кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛЛАРИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ, КЕЛИШИЛГАН АЛОҚА КАНАЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ.

Томонларнинг жойлашган манзиллари:

Тизим Оператори Иштирокчи

Россия Федерацияси 119049, Москва ш.,

Донская кўч, 14 уй, қур. 2. (а/қ 635)

Рўйхатга олиш рақ.: 1073

БИК: 044552685

СТИР: 7706193043

Рўйхатга олиш рақ.:

БИК:

СТИР:

Стандартные платёжные реквизиты Сторон для расчётов. / Томонларнинг ҳисоб-китоблар учун стандарт тўлов реквизитлари.

в Рублях РФ: / РФ рубларида:

Корсчет № 30101 810 8 0000 0000685 / Вақиллик Счет № / Ҳисобварақ _____
ҳисобварағи: 30101 810 8 0000 0000685

в Отделении № 5 Московского ГТУ Банка России
/ Россия Банкининг Москва ГТУ 5-сонли
Бўлимида

**Если счета открыты в АКБ
«РУССЛАВБАНК» (ЗАО) / Агар ҳисоб
рақамлари «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ)
да очилган бўлса**

Счет № / Ҳисобварақ _____
в / дағи _____

**Если счета открыты у Прямого Участника.
/ Агар ҳисобварақ Тўғридан-тўғри
Иштирокчида очилган бўлса.**

в Долларах США: / АҚШ долларарида:

Счет № 04-414-139 / Ҳисобварақ: 04-414-139
в банке: DEUTSCHE BANK / DEUTSCHE
BANK банкида

Trust Company Americas (SWIFT: BKTR US 33)

Счет № / Ҳисобварақ _____

**Если счета открыты в АКБ
«РУССЛАВБАНК» (ЗАО) / Агар ҳисоб
рақамлари «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ)
да очилган бўлса**

Счет № / Ҳисобварақ _____
в / дағи _____

**Если счета открыты у Прямого Участника.
/ Агар ҳисобварақ Тўғридан-тўғри
Иштирокчида очилган бўлса.**

в ЕВРО: / ЕВРО да:

Счет № 947177210 / Ҳисобварақ: 947177210
в банке: DEUTSCHE BANK / DEUTSCHE
BANK банкида
(SWIFT: DEUT DE FF)

Счет № / Ҳисобварақ _____

**Если счета открыты в АКБ
«РУССЛАВБАНК» (ЗАО) / Агар ҳисоб
рақамлари «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ)
да очилган бўлса**

Счет № / Ҳисобварақ _____
в / дағи _____

**Если счета открыты у Прямого Участника.
/ Агар ҳисобварақ Тўғридан-тўғри**

Иштирокчида очилган бўлса:

Средства и телекоммуникационные системы связи Сторон: / Томонларнинг алоқа воситалари ва телекоммуникацион тизимлари:

SWIFT: RSLBRUMM SWIFT:

E-mail: welcome@russlavbank.com E-mail:
vopros@russlavbank.com

Телефон: / +7 (495)237-1919 Телефон: /
Телефон: +7 (495)237-1919 Телефон:

Факс: / +7 (495) 237-1919 Факс: /
Факс: +7 (495) 237-1919 Факс:

СОГЛАСОВАННЫЕ КАНАЛЫ СВЯЗИ:

КЕЛИШИЛГАН АЛОҚА КАНАЛЛАРИ:

SWIFT (если применимо)

Защищенный канал связи с использованием электронно-цифровой подписи в соответствии с правилами организации и условий проведения электронного документооборота

Тел. (конкретного подразделения АКБ «РУССЛАВБАНК» (ЗАО), которое сопровождает данного Участника)

Факс (конкретного подразделения АКБ «РУССЛАВБАНК» (ЗАО), которое сопровождает данного Участника)

E-mail (корпоративный - сопровождающего подразделения АКБ «РУССЛАВБАНК» (ЗАО))

SWIFT (агар қўллаш мумкин бўлса)

Электрон ҳужжатлар айланишини ташкиллаштириш қоидалари ва ўтказиш шартларига мувофиқ электрон рақамли имзо фойдаланувчи ҳимояланган алоқа каналли.

Тел. (Иштирокчини кузатиб борувчи «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ) нинг аниқ таркибий бўлинмалари)

Факс (Иштирокчини кузатиб борадиган «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ) нинг аниқ таркибий бўлинмалари)

E-mail (корпоратив - «РУССЛАВБАНК» АТБ (ЁАЖ) нинг таркибий бўлинмаларини кузатиб борувчи)

Подписи Сторон: / Томонларнинг имзолари:

**За Оператора Системы: /
Тизим Оператори номидан**

**За Участника: /
Иштирокчи учун
номидан:**

М.П. / М. Ў.

М.П. / М. Ў.